

Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий судининг
2021 йил “31” майдаги
КСҚ–9-сонли қарори билан
тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ДЕВОНИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди девони ходимларининг асосий хизмат вазифаларини белгилайди.

2. Конституциявий суд девони ходимлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламенти, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Девони тўғрисидаги Низомга ва ушбу Йўриқнома талабларига риоя қилишлари шарт.

3. Конституциявий суд девони ходимлари Конституциявий суднинг раиси, раис ўринбосари ва Девон раҳбарининг раҳбарлигида ишлайди.

II. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДНИНГ ДЕВОНИ

Конституциявий суднинг Девони:

Девон раҳбари, Конституциявий суд раисининг ёрдамчиси, катта экспертлар, экспертлар, бош ҳисобчи, хўжалик мудир, 1-тоифали иш юритувчи котиб, ҳисобчи-кассир, 1-тоифали котиб-стенографистлардан иборат таркибда фаолият кўрсатади.

Конституциявий суд Девони раҳбарининг вазифалари

Конституциявий суд Девони раҳбари:

- девонга умумий раҳбарликни амалга оширади, унинг қонунга зид бўлмаган кўрсатмалари девон ходимлари учун мажбурийдир;
- девон ходимлари ўртасида жорий хизмат вазифаларини тақсимлайди;
- кўриб чиқилган суд ишларининг ҳисоби юритилиши, сақланиши ва белгиланган тартибда архивга топширилиши билан боғлиқ ишларни ташкил этади;
- Конституциявий суд иш режаси ва белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида сифатли амалга оширилишини назорат қилиб боради;

- Конституциявий суд Девонини штат жадвалига мувофиқ ходимлар билан тўлдириш юзасидан Конституциявий суд раҳбариятига таклифлар киритади;

- раиснинг топшириғига кўра Конституциявий суд Девонига ходимларни ишга қабул қилиш, меҳнат шартномаларини тузиш, бекор қилиш ва ўзгартириш билан боғлиқ ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди;

- Конституциявий суд судьяси лавозимига сайланган ва ишга қабул қилинган ходимларга дахлдор йиғмажилдларни юритади;

- ходимларининг меҳнат интизомига риоя этишларини назорат қилади;

- Конституциявий суд раисининг кадрлар таркибига оид фармойишларининг ижросини, таътилар жадвалига риоя этилишини таъминлайди;

- Конституциявий суд мажлисларини, судда ўтказиладиган бошқа тадбирларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди;

- Конституциявий суднинг навбатдаги мажлислари кун тартибини ва тегишли материалларни, таклифлар ҳамда хулосалар бериш учун судьялар ва иштирокчиларга юборишни ташкил этади;

- Конституциявий суд мажлислари ва хизматга оид кенгашларининг баённомаси ёзиб борилишини ташкил этади;

- Конституциявий суд қарорларининг матбуотда эълон қилиниши, шунингдек оммавий ахборот воситаларида Конституциявий суд фаолиятининг ёритилиши билан боғлиқ материаллар тайёрланишини ташкил этади;

- Конституциявий судга келиб тушган ҳужжатлар ва мурожаатларни мазмунига қараб тегишли дафтарларда рўйхатга олиниши ва уларнинг ҳисоби юритилишини назорат қилади;

- Конституциявий судга келиб тушган ҳужжатлар ва мурожаатлар рўйхатдан ўтказилганидан кейин, ижрочиларни тайинлаш учун Конституциявий суд раҳбариятига тақдим этади ва ижрочилар тайинлангач ҳужжатларнинг уларга тарқатилишини ташкил этади;

- Конституциявий суддан жўнатилаётган ҳужжатлар дафтар ва реестрларда рўйхатдан ўтказилиб, тегишли манзилга жўнатилишини назорат қилади;

- фуқароларни қабул қилишни, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, умумлаштириш, ҳисобга олиш ва таҳлил этишни уюштиради;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш, тартибга солиш, сақлаш, судьяларни қонун ҳужжатларидаги ўзгартишлардан ўз вақтида хабардор қилиб туриш, амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиш ишига раҳбарлик қилади;

- девоннинг ходимларини рағбатлантириш ёки уларга интизомий жазо кўллаш тўғрисида Конституциявий суд раисига таклифлар киритади;

- Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳатлашув кенгашининг мажлисларида қатнашади ва унинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди;

- Конституциявий суднинг ярим йиллик ва бир йиллик фаолиятига доир маълумотларни умумлаштиради ва ҳисоботлар лойиҳаларини тайёрлайди;

- “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси”нинг чоп этилиши билан боғлиқ ишларни амалга оширади;

- “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг навбатчи енгил автомобилдан фойдаланиш тартиби”га риоя этилишини назорат қилади;

- “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонундан, Конституциявий суднинг Регламенти ва Конституциявий суд девони тўғрисидаги Низомдан келиб чиқадиган бошқа ваколатларни амалга оширади ҳамда Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.

Конституциявий суд раиси ёрдамчисининг вазифалари

Раис ёрдамчиси:

- Конституциявий суднинг раиси фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ишларини амалга оширади;

- Конституциявий суд раисининг қабулхонаси ишини ташкил этади;

- Конституциявий суд раисининг айрим топшириқларини Конституциявий суд судьялари ва девон ходимларига етказди, уларнинг бажарилишини назорат қилади ва бу ҳақда раисни хабардор қилиб туради;

- Конституциявий суд раиси номига келган ҳар қандай хабар, маълумотлар ҳақида дарҳол унга ахборот беради;

- Конституциявий суд раисининг бошқа топшириқларини бажаради.

Катта экспертнинг вазифалари

Катта эксперт:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлигини ҳамда муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни ўрганади;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ бериш тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати юзасидан ўз фикрларини суд раҳбариятига тақдим этади;

конституциявий суд ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тайёрлашда иштирок этади.

фуқароларни қабул қилади, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, умумлаштиради, ҳисобга олиб боради ва таҳлил этади;

девон раҳбарининг топшириғига биноан Конституциявий суд ва Илмий-маслаҳатлашув кенгаши мажлисларини ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлашда ва ўтказишда иштирок этади;

зарурат бўлганда, Конституциявий суд мажлисига киритиладиган ва Конституциявий судда ўрганилаётган бошқа масалалар юзасидан холис ва илмий-асосланган хулоса беради;

Конституциявий суд ва Илмий-маслаҳатлашув кенгаши мажлисларида катнашади;

амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этади, улардаги ўзгаришлар тўғрисида судьяларни ўз вақтида хабардор қилиб туради;

бошқа давлатлар конституциявий судлари ва конституциявий назорат органларининг иш тажрибасини ўрганади ва умумлаштиради, улар асосида Конституциявий суд раҳбариятига тегишли таклифлар киритади;

ўзига тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради ва архив учун тайёрлаб, девон раҳбарига топширади;

Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.

Конституциявий суд раисининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун

хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича масаҳатчиси вазифасини бажарувчи катта эксперт:

- Конституциявий судда маънавий-маърифий соҳага ва давлат тилига оид қонун ҳужжатлари ҳамда дастурлар ва “йўл хариталари”нинг ижросини ташкил этади;

- маънавий-маърифий соҳага ва давлат тилига оид қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни танқидий ўрганиш, бу борада аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширади;

- Конституциявий суд ходимларини давлат тилини чуқур ўрганишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш учун таклифлар ишлаб чиқади.

Конституциявий суд раисининг матбуот котиби вазифасини бажарувчи катта эксперт:

- Конституциявий суднинг расмий веб-сайти, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда Конституциявий суд фаолиятига оид ахборотларни тақдим этиб боради;

- оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилади;

- мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида Конституциявий суд раҳбарияти ва девон ходимларини чиқишларини ташкил этади;

- Конституциявий суднинг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида жойлаштиради;

- Конституциявий суднинг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантиради ва янгилаб боради.

Халқаро алоқаларни амалга оширувчи катта эксперт:

- Конституциявий суднинг хорижий давлатлар конституциявий назорат органлари, халқаро ташкилотлар, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналар, халқаро марказлар, институтлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш борасидаги ишни ташкил этиш ва олиб бориш билан боғлиқ топшириқларни бажаради;

- ўзига тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради ва архив учун тайёрлаб девон раҳбарига топширади;

- Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.

Экспертнинг вазифалари

Эксперт:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат,

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлигини ҳамда муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни ўрганади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини ўрганиб боради ва бу борадаги фикрларини суд раҳбариятига тақдим этади;

конституциявий суд ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тайёрлашда иштирок этади;

фуқароларни қабул қилади, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқади, умумлаштиради, ҳисобга олиб боради ва таҳлил этади;

- девон раҳбарининг топшириғига биноан Конституциявий суд ва Илмий-маслаҳатлашув кенгаши мажлисларини ташкилий-техник жиҳатдан тайёрлаш ва ўтказишда иштирок этади;

зарурат бўлганда, Конституциявий суд мажлисига киритиладиган масалалар юзасидан ҳолис ва илмий-асосланган ҳулоса беради;

Конституциявий суд ва Илмий-маслаҳатлашув кенгаши мажлисларида қатнашади;

Конституциявий суднинг ўз назоратида турган қарорларининг ижро этилиши билан боғлиқ ишларни амалга оширади;

ўзига тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради ва архив учун тайёрлаб, девон раҳбарига девон раҳбарига топширади;

Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.

Қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кодификациялаш билан шуғулланувчи эксперт:

- амалдаги қонун ҳужжатларининг назорат нусхаларини (уларга кейинчалик киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда) сақлайди;

- қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳисобини олиб боради ва уларни тартибга солади;

- қонун ҳужжатларини хизматда фойдаланиш учун Конституциявий суд судьялари ва ходимларига, бунинг ҳисобини олиб борган ҳолда, уларнинг талаблари бўйича вақтинчалик бериб туради;
- қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон ҳисобини олиб бориш тизими учун жавоб беради;
- Конституциявий суд фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган адабиётлар ҳисобини олиб боради;
- Интернет тармоғи билан боғлиқ ишларни амалга оширади;
- қонун ҳужжатларини таҳлил этади, улардаги ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида судьяларни ўз вақтида хабардор қилади;
- ўзига тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради ва архив учун тайёрлаб девон раҳбарига топширади;
- Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.

Канцелария ишларини юритувчи эксперт:

- Конституциявий судга келиб тушган ҳужжатлар ва мурожаатларни мазмунига қараб тегишли дафтарларда рўйхатга олади ва уларнинг ҳисобини юритади;
- Конституциявий судга келиб тушган ҳужжатлар ва мурожаатларни рўйхатдан ўтказгандан кейин, ижрочиларни тайинлаш учун Конституциявий суд раҳбариятига тақдим этиш учун девон раҳбарига ахборот беради ва ижрочилар тайинлангач ҳужжатларнинг уларга тарқатади;
 - Конституциявий суддан жўнатилаётган ҳужжатларни дафтар ва реестрларда рўйхатдан ўтказиб, тегишли манзилга юборади;
 - фуқароларни қабул қилиш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, умумлаштириш, ҳисобга олиш ишларини таҳлилини амалга оширади.

Бош ҳисобчининг вазифалари

Бош ҳисобчи:

- ҳисоб-китоб ишлари ва ҳисобот беришнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилишини, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини таъминлайди;
- давлат бюджетидан келиб тушаётган пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва асосий воситалар ҳисобга олиниши, уларнинг ҳаракати билан боғлиқ операциялар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ўз вақтида акс эттирилиши, муомала харажатлари ҳисобга олиниши, харажатлар сметалари ижро этилиши, шунингдек молия ҳисоб-китоб операциялари бажарилиши, уларни расмийлаштиришнинг қонунийлиги, ўз вақтидалиги ва тўғрилиги, Конституциявий суд ходимлари билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар, давлат суғуртаси ва бадаллар тўғри ҳисобланиши учун жавоб беради;
- моддий, меҳнат ҳамда молия ресурсларидан тежамли фойдаланилиши, Конституциявий суд мулки бут сақланишини назорат қилади;

- бошланғич бухгалтерия хужжатларини, ҳисоб-китоблар ва тўлов мажбуриятларини, иш ҳақи фонди сарфланишини расмийлаштириш тартибига риоя этилишини таъминлайди;

- пул маблағлари, товар-моддий бойликлар ва асосий фондларни инвентаризациялаш бўйича раҳбариятга таклифлар киритади;

- пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомадлари, ғайриқонуний сарфланиши, молиявий ва хўжалик юритишга оид қонун хужжатлари бузилишларининг олдини олиш чораларини кўради;

- штат, молия ва касса интизомига қатъий риоя этилишини, бухгалтерия хужжатлари сақланиши, расмийлаштирилиши ва уларнинг белгиланган тартибда архивга топширилишини, бошланғич хужжатларнинг маълумотлари ва бухгалтерия ёзувлари асосида бухгалтерия ҳисоботлари ўз вақтида тузилишини, уларнинг белгиланган тартибда Конституциявий суд раисига, тегишли органларга тақдим этилишини таъминлайди.

Хўжалик мудирининг вазифалари

Хўжалик мудури:

- Конституциявий суд фаолиятига техник ва хўжалик хизмати кўрсатилишини таъминлайди;

- Конституциявий суд девони жойлашган бинода унинг учун ажратилган техник ва иш хоналаридан фойдаланилишини, уларнинг санитария қоидаларига мувофиқ сақланишини, электр ва иссиқлик таъминотини амалга оширади;

- алоқа воситалари, компьютерлар ва бошқа ташкилий техника воситаларининг узлуксиз ва лозим даражада ишлашини таъминлайди;

- Конституциявий суд судьялари ва бошқа ходимларига зарур меҳнат, маиший шароит яратиб бериш билан боғлиқ бошқа ишларни амалга оширади;

- “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг навбатчи енгил автомобилдан фойдаланиш тартиби”га биноан зиммасига юклатилган вазифаларни бажаради ҳамда Конституциявий суд раисига бириктирилган енгил автомобилдан фойдаланилишини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди;

- Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.

1-тоифали иш юритувчи котибнинг вазифалари

1-тоифали иш юритувчи котиб:

- Конституциявий судга келиб тушган хужжатлар ва мурожаатларни мазмунига қараб тегишли дафтарларда рўйхатдан ўтказилиши ва уларнинг ҳисоби юритилишини таъминлайди;

- Конституциявий суддан жўнатилаётган ҳужжатларни дафтар ва реестрларда рўйхатдан ўтказилиб, тегишли манзилларга жўнатилишини таъминлайди;

- Конституциявий суд ёки унинг судьялари номига келиб тушган ҳужжат ва хат-хабарларни қабул қилиб олади, уларни тартибга солади ва раиснинг ёки раис ўринбосарининг кўрсатма ёзуви (устхати)га мувофиқ ижро этиш ва жавоб тайёрлаш учун муайян ижрочига топширади ҳамда уларнинг ўз вақтида бажарилишини кузатиб боради;

- бевосита Конституциявий судга мурожаат билан келган фуқароларнинг мурожаатларини, фельдъегерь хизмати орқали етказилган ҳужжатларни қабул қилиб олади ва шу хизмат орқали юборилиши лозим бўлган ҳужжатларни расмийлаштиради. Хатлар бўйича картотека ва назорат ишини юритади, имзоланган ҳужжатларни белгиланган жойга юборишга тайёрлайди;

- хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради ва архивга топширишга тайёрлайди. Конституциявий суд архивини шакллантиради ва белгиланган тартибда уни Ўзбекистон Республикаси Давлат архивига топширади;

- Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.

Ҳисобчи-кассирнинг вазифалари

Ҳисобчи-кассир:

- пул маблағларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, тарқатиш ва сақлаш бўйича операцияларни, уларнинг сақланишини таъминловчи тегишли коидаларга албатта риоя этган ҳолда, амалга оширади;

- Конституциявий суд ходимларига иш ҳақи, мукофотлар, хизмат сафари ҳақини тўлаш ва бошқа харажатлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида банк муассасаларидан пул маблағларини олади;

- кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида касса дафтарини юритади, касса ҳисоботини тузади.

1-тоифали котиб-стенографистнинг вазифалари

1-тоифали котиб-стенографист (қабулхонадаги):

- Конституциявий суд раисининг фаолиятини таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича техник ишларни бажаради;

- раисга зарур бўлган маълумотларни Конституциявий суд судьялари ва ходимларидан олади, унинг топшириғига биноан судья ва ходимларни чақиради;

- раиснинг телефон орқали сўзлашувларини ташкил этади, телефонограммаларни қабул қилади ва жўнатади, унинг йўқлигида келган маълумотлар ва хабарларни ёзиб боради ҳамда уларнинг мазмунини раисга етказилади;

- раиснинг иш жойини намунали тартибда сақлайди, унинг самарали ишлашига кўмаклашадиган шарт-шароит яратади;
- раис томонидан тайёрланган қарорлар, фармойишлар, хатлар ва бошқа ҳужжатларнинг матнларини стенография усулида ёзиб боради, сўнгра матнларни маромига етказиб, компьютерда ёзади;
- ташриф буюрувчилар қабул қилинишини уюштиради, уларга нисбатан хушмуомала ва эътиборли бўлади;
- ҳужжатларни тасдиқланган номенклатурага мувофиқ шакллантиради, уларнинг сақланишини таъминлайди ва белгиланган муддатларда архивга топшириш учун тайёрлайди;
- Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.

1-тоифали котиб-стенографистнинг вазифалари:

1-тоифали котиб-стенографист:

- Конституциявий суд судьялари ва девони ишини таъминлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш бўйича техник ишларни бажаради (компьютерда ёзиш);
- ёзилган материалларнинг ҳисобини олиб боради ва уларнинг бетлари ва нусхалари сонини махсус дафтарда қайд этади;
- мажлислар, хизматга оид кенгашлар, расмий учрашувлар ва қабулларнинг стенографик баённомаларини ёзиб боради, сўнгра матнларни маромига етказиб, компьютерда ёзади ва девон раҳбарига топширади;
- Конституциявий суд обуна бўлган даврий нашрларни жамлайди, уларнинг сақланиши учун жавоб беради;
- Конституциявий суд раҳбариятининг бошқа топшириқларини бажаради.